




МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзига муносиб ҳамду санолар бўлсин!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мукаммал ва батамом солаво ту дурудлар бўлсин!

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ҳақида кейинги йилларда бизда ҳам турли маълумотлар пайдо бўлди. Баъзи китоблар нашр этилди. Мавлононинг асарлари таржима ва шарҳ қилинди. У кишининг маданий меросларига турли мада-

ният ва санъат вакиллари мурожаат қилдилар ва қилмоқдалар.

2007 мелодий сана ЮНЕСКО томонидан Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг таваллуд топганларига саккиз юз тўлиши муносабати ила Румий йили дея эълон қилинди. Ушбу муносабат ила Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг ҳаётлари ва шахсиятларига яна бир бор алоҳида эътибор қаратилди. Турли йиғинлар, мақолалар ва фикрлар тақдим этила бошлади.

Камина ходимингиз ҳам бу мавзуга ўзимизда нашр этилган ва қўлимизда бор маълумотларга бир оз енгил бўлса ҳам яна бир кўз югуртиб чиқдим. Бу иш аввалдан сақланиб келаётган афсусни яна янгилади.

Мазкур маълумотларда Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи шоирлик, файласуфлик ва яна бошқа сифатлар билан сифатланганлар. У киши ҳақларида турли гаплар айтиб ўтилгани билан бирга асосий сифатлари, яъни мухлис мусулмон ва улуғ исломий руҳий тарбия машойихларидан бир зот эканликлари керакли тарзда баён этилмаган. Балки, у киши Исломга ва унинг ақийдаларига қарши курашган «жафокаш» сифатида тақдим этилган.

Ғапимизнинг далили сифатида фақат биргина мисол келтириш ила кифояланамиз. Радий Фишнинг китобида у киши ҳақида жумладан қуйидаги иборалар келтирилган:

«Шоир ва мутафаккир умр бўйи диний ақидалар истибдодига қарши курашди, инсон руҳи эркинлигини ҳимоя қилди».

«Шоир умр бўйи тош қотган диний ақидаларга, фикр ва туйғуларни эанжирбанд этувчи русумларга қарши жанг қилди».

Албатта, Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳига нисбатан қилинган бу каби тухматлар қаршисида жим туриш мумкин эмас. Шу эътибордан Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг ҳақларида мўмин-мусулмон уламолар қандай фикрда эканлари ҳақида қисқача бўлса ҳам баъзи ожиеона маълумотлар тақдим қилишни ўз бурчимиз деб билдик,

БОЛАЛИК

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи Афғонистонга қарашли Балх шаҳрида 604 ҳижрий сананинг Робийъул-аввал ойининг олтинчи куни ёруғ дунёга келди.

У киши отасининг исми Муҳаммад бўлиб, Баҳоуддин Валад лақаби ила мушхур бўлган. Баҳоуддин Валад ўз юртининг кўзга кўринган олимларидан ва асрининг таниқли машойихларидан бири эди. Уни «Уламолар султони» деб ҳам аташарди ва насаби Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳуга етиб борар эди.

Илм ва маърифат оиласида танглайи кўтарилган Мавлоно Жалолиддин Румий раҳ-

матуллоҳи алайҳи ёшлик чоғидаёқ отасининг яхши кўрган шогирдларидан бири бўлмиш Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийдан дастлабки сабоқларни олди. Кейин бу устоздан замонасида тарқалган ва урф бўлган барча илмларни пухта эгаллаб, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган олим бўлиб етишди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг отаси Баҳоуддин Валад ўз замонасидаги аҳли илмларни Қуръон ва Суннатни қўйиб, ақлий илмларга берилиб кетганлари учун қаттиқ танқид қилар эди. У киши ҳайбатли ва қадри улуғ зот бўлиб, омма ва хоссанинг эҳтиромини қозонган эди. Турли тарафлардан фатво сўраб унга мурожаат қилинар эди.

Баъзи аҳли илмлар унга ҳасад қилиб, ҳокимнинг ҳузурида чақимчилик қилдилар ва ораларини бузишга эришдилар. Ўша пайтнинг ҳокими чақимчиларнинг таъсири остида Баҳоуддин Валадга диёрни ташлаб кетишга амр қилди.

Шайх Баҳоуддин Валад аҳли аёли билан ҳижрат қилишга мажбур бўлди. У кўп шаҳар ва қишлоқларда бўлди. Қаерда бўлса ҳам иззат-икром кўрди.

ҚЎНИЯ

Охир-оқибат Рум Султони Алоуддин Кайкабод илтимосига биноан Шайх Баҳоуддин Валад 626 ҳижрий санада Қўнияда қарор топди. Султон у кишининг эҳтиромини жойига қўйди ва қўл бериб мурид бўлди.

Шайх Баҳоуддин Валад Қўнияда икки йил истиқомат қилганидан кейин 628 ҳижрий санада вафот этди. Унинг ўрнини даҳо фарзанди Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи эгаллади.

Султоннинг устози амир Бадруддин Кахртош Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи учун кўркем мадраса қурдириб берди. Кейинчалик бу мадраса «Худовандкор мадрасаси» номи билан машҳур бўлди. Амир бу мадраса фойдасига кўплаб вақфларни ҳам жорий қилди. Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳини мадрасага бошлиқ қилди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи улуғ отасининг изидан бориб, мадрасадаги таълим ишларини кенг ва яхши тарзда йўлга қўйди. Ўзи катта обрў ва мартаба соҳиби бўлишига қарамай, шахсан дарс беришда давом этди. Турли илмларни чуқур эгаллашга муваффақ бўлди.

ШОМДА

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи 630 ҳижрий санада Шоми шарифга сафар қилди. Ҳалаб шаҳрида «Ҳалловия» мадрасасида турди. У ернинг кўзга кўринган олимларидан бўлмиш Камолиддин ибн Адиймдан илмий фойдалар олди. Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳини Ҳалабнинг уламолари етук олим ва кенг маърифат соҳиби сифатида тан олдилар.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи Ҳалабдан кейин Дамашққа борди. У ерда «Макдисиё» номли мадрасада турди. У жойда шайх Саъдуддин Ҳамавий, шайх Усмон Румий, шайх Авҳадуддин Кирмоний, шайх Садриддин Қавнавий ва шайх Муҳйиддин Арабий каби ўша пайтда Дамашқда истиқомат қилиб турган зотлар билан латиф мажлислар курди.

ШАМС ТАБРИЗИЙ

634 ҳижрий санада Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи Қўнияга қайтиб келди ва дарс ҳамда фатво беришга шўнғиб кетди. Ўша пайтда Қўнияга мўғул-татарларнинг босқинидан қочиб кўплаб уламолар хижрат қилиб келди. Шу сабабдан Қўния илм шаҳрига, уламо ва фузалоларнинг қароргоҳига айланиб қолди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи дарс берар, кишиларга фойда етказар, олим ва мударрис сифатида фаолият олиб борар эди. Ишлар шу тариқа бир маромда бориб турганида ҳамма нарсани бошдан-оёқ остин-устин қилиб юборадиган бир ҳодиса юз берди.

642 ҳижрий сананинг жумадас-сания ойида Қўнияга Эроннинг Табриз шаҳридан бир сўфий одам келди. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Али ибн Маликдод бўлиб Шамс Табризий номи билан танилган эди. Одамлар унинг насаби ва аҳволи ҳақида кўп нарса билишмас эди.

Кунлардан бир куни Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ўзига эргашган уламо ва толиби илмлар билан йўлгачикди. Одамлар унинг атрофида кета туриб саволлар сўрашар ва фойдалар олишар эди.

Бирдан Шамсиддин Табризий пайдо бўлди ва:

«Илмлардан мақсад недир?» дея савол берди.

«Шариат одобларидан хабардор бўлиш!» деди Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи:

«Йўқ! Маълумга етишмоқ», деди сокинлик ҳамда ишонч ила Шамсуддин Табризий ва Ҳаким Санойининг:

«Илм сени ўзингдан жудо қилмаса, жоҳиллик ундан кўра яхшироқ» деган байтини ўқиди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи бундан ҳайратга тушди. Шамсуддин Табризий мўлжални аниқ олган эди.

Ўша кундан бошлаб Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи Шамсуддин Табризийнинг мухлис шогирдига айланди. Улар биргаликда Салоҳиддин Заркуб Даққоқнинг хужрасида бир ривоятга қараганда қирқ кун, бошқасига биноан олти ой бирга ёлғиз қолдилар. Уларнинг олдига Салоҳиддиндан бошқа кимса кирмас эди.

Бундан сўнг Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи янги руҳ ила руҳланди. Унга ҳақиқатлар ва завқларнинг

янги олами кашф бўлган эди. Бу ҳақда Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ўзининг байтида «Шамс Табризий менга ҳақиқат йўлини кўрсатди. Мен иймоним ва илми якийним учун ундан қарздорман» дейди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг ўгли Султон Валад бўлса: «Улуғ устоз шайх Табризий ҳузурида кичкина шогирд бўлиб қолди. У ҳар куни дарс олар эди. Ўзи турли илмларда етук бўлса ҳам, соҳидликда пешқадам бўлса ҳам унинг олдида аввал билмаган янги илмни кўрди», дейди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг ҳаётидаги бу улкан ўзгариш худди имом Ғаззолийнинг ҳолатига ўхшайди. Имом Ғаззолий ҳам илмда, дарсда, обрўда ўзига тенг одам топилмай турган бир пайтда уларнинг ҳаммасидан юз ўгириб, ҳақиқатни излашга тутинган эди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ҳам ўзининг шуҳрати чўққисига чиққан, ҳамманинг устозига айланган бир пайтда ҳаммасидан юз ўгириб, ҳақиқатнинг ортидан тушди.

Имом Ғаззолий ҳақиқат излаб ўша пайтнинг одамлари фикрини қамраган илми қалом, фалсафа, ботинийя ва тасаввуф каби илмларни пухта эгаллаб, охири ўэ мақсадига тасаввуф орқали эришган эди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи бўлса Ғаззолий каби ҳар тарафга ўзини

уришдан холи бўлди. Бунга сабаб устози, тасаввуф олими Шамс Табризий бўлди.

У киши ўзининг янги устозига бутунлай бўйсунди. Ҳамма нарсани қўйиб, унга томон бурилди. Барча дарслари, фатволари, шогирдлари ва муридларини тарк этди.

ФИТНА

Албатта, бу ҳолат шогирд ва муридларга оғир ботди. Уларнинг ҳайратлари бошларидан учди. Улар ажабланиб, «Биз умримизни шайхнинг хизматида ўтказган эдик. У кишининг кароматларига гувоҳ бўлган эдик. Биз орқали исмлари етти иқлимга танилган эди. Бирдан манави ҳеч ким танимайдиган ғариб одам келиб, у кишини биздан юлиб олиб, эга чикди. Биз эса у кишини кўра олмай қолдик. Дарслар ҳам, маърузалар ҳам тўхтади. Бу одам сеҳргар ёки катта дохий бўлса керак. Илмда тоғдек мустаҳкам одамни худди сомон парчасидек ўзига ямлаб олди», дейишди.

Уларнинг Шамсуддин Табризийга адоватлари борган сари кучайиб борди. Уни Қўниядан чиқариб юбориш йўлларини ўйлай бошлашди.

Шамсуддин Табризий бўлса, бу каби тасарруфотларга ҳалиймлик ва сабр билан жавоб берар эди. Аммо вазият ҳаддан ошиб кетганидан кейин фитнадан қўрқди ва ҳеч кимга билдирмай келганига бир йил ва тўрт ой тўлганда Қўниядан ғойиб бўлди. Ўшанда 643 ҳижрий сананинг шаввол ойи эди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи устозининг ғойиб бўлганидан ғоятда маҳзун бўлди. Барча шогирд ва муридларидан айрилди. Улар мақсадларига эриша олмадилар. Шамсуддин Табризий йўқолса ҳам устозларига яқинлаша олмадилар.

Бирдан Шамсуддин Табризийнинг Дамашқдан юборган мактуби келиб қолди. Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг кўнгли ёришиб, зикр халқаларига қўшила бошлади. Шамсуддин Табризийга озор бермаган шогирдлари ва муридлари билан алоқани қайта тиклади.

Сўнгра устозига назмда нозик мактублар ёзиб, хузурига қайтишга чорлади. Одамлар ҳам тинчланди. Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи улар Шамс Табризийнинг адоватини ва унга озор беришни тарк этганларини тушуниб етди.

Шунда фарзанди «Султон валад»ни қимматбаҳо ҳадялар ила уларни устоз оёқлари остига сочишни, озор берганларни кечиришни сўрашни ва Қўнияга қайтишни илтимос қилишни тайинлади. У билан устозга дил изҳорини баён қилувчи мактуб ҳам юборди.

Шамсуддин Табризий Қўнияга қайтди. Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи бундан ғоятда шод бўлди. Устози билан гўзал мажлислар қурди. Кўнгилли вақтлар ўтказди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг ўз устозига бўлган му-

ҳаббати зиёда бўлди. Уни улуғлаши ортиди. У билан бирга бўлиши кўпайди. Аммо бу ҳолат кўпга чўзилмади.

Фитна қайтадан кўзғолди. Бу сафарги фитнага ҳисса қўшганлар ичида Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг ўртанча фарзанди Шалабий Алоуддин ҳам бор эди. Шамсуддин Табризий яна ғойиб бўлди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг маҳзунлиги янгиланди. Шамсуддин Табризийга озор етишига сабаб бўлганларнинг барчасини ўз ҳузуридан қувди. Узи эса зикр халқалари ила машғул бўлди. Бу ҳодисалар 645 ҳижрий санада рўй берди.

ЎЗНИ АНГЛАШ

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи бор имконини ишга солиб устозини излай бошлади. Уни топа олмай ҳоли ўзгарди. Мадраса бўйлаб гир айланар, оҳуриб, фарёд чекар эди. Устозига бўлган соғинчини васф қилиб нозик шеърлар айттар, узун-узун қасидалар битар эди. Агар бирор киши унга устозини кўргани ҳақида хабар еткаэса, суюнчига кийимини ечиб берар эди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи Шамсуддин Табризийни ахтариб Шомга томон юрди. У Дамашққа етганида шаҳар аҳли қалбида севги ва му-

хаббат оловини алангалантирди. Одамлар ажабланиб, асрининг алломаси ва эамонининг дурдонасини бу ҳолга солган одам ким экан ўзи, дейшарди.

Шамсуддин Табризийнинг ўзини ҳам, изини ҳам топа олмаган Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг кўнгли сокинликни излади. У ўзига ўзи «Мен билан Шамсуддиннинг орасида фарқ йўқ. У куёш бўлса, мен зарраман. У денгиз бўлса, мен қатраман. Зарранинг зиёси куёшдандир. Қатранинг ҳаёти денгиздандир» деди. Сўнгра Қўнияга қайтди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи Қўнияда яна бир неча йиллар яшади. Вақти келиб устознинг муҳаббати яна бош кўтарди. Бир гуруҳ одамлари билан яна Дамашққа қайтиб борди. У ерда ўзининг шамснинг айни ўзи эканига ишонч ҳосил қилганидан сўнг яна Қўнияга қайтди.

Мен Шамсуддинни эмас, ўзимни излаётган эканман, деди. Шамсуддинда бор нарсаси, менда ҳам бор экан, деди.

Энди Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи шайх Салоҳиддин Даққоқни сирдоши, халифаси ва суҳбатдоши қилиб олди. Салоҳиддин Даққоқ шу ҳолатда ўн йил яшаб, 657 хижрий санада вафот этди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи Салоҳиддин Даққоқнинг вафотидан кейин Шалабий Ҳисомиддинни

ўзига сирдош ва ҳамсухбат қилиб олди. Айни ушбу Шалабий Ҳисомиддин «Маснавий»нинг таълиф этилишига сабаб бўлди. Шалабий Ҳисомиддиннинг аёли вафот этиб у машғул бўлиб қолганда «Маснавий»нинг ёзилиши ҳам тўхтаб қолди.

ВАФОТИ

Мавлоно Жалолиддин Румий яшаб турган Кўния шаҳрида 672 ҳижрий санада қаттиқ зилзила бўлди. Ер силкиниши бир ҳафта давом этди. Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ўша пайтда тўшақда ётиб қолган эди. Одамлар у кишининг хузурига келиб дуо сўрашди. У киши:

«Ер оч қолган. У ёғлиқ лукма талаб қилмокда. Яқинда унга эришади ва сизлардан бало кўтарилади», деди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи маҳбубнинг мулоқоти ҳақида байтлар ва қасидалар айтиб ўлимни очик кўнгил ва табассум билан қаршилар эди. Дўсти Садриддин келиб шифо тилаб дуо қилди. У киши узр айтиб:

«Аллоҳ шифони сенга берсин. Ҳабиб ила маҳбуб орасидаги парда кўтарилса, сенга нима зарари бор!» деди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ўлимни қаршилай туриб «Агар мўмин ва ширин бўлсанг, ўлим ҳам мўмин ва ширин бўлади. Агар кофир ва аччиқ бўлсанг, ўлим ҳам кофир ва аччиқ бўлади», дер эди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ҳақиқат ва маърифатни баён қилишда давом эта туриб 672 ҳижрий сананинг Жумадас-сания ойдан беш кун қолганда, куёш ботиш пайтида жон таслим қилди.

Жанозани олиб чиқилганда шаҳар издиҳомга айланиб кетди. Жанозага барча динларнинг вакиллари йиғлаган ҳолда келган эди. Яҳудий ва насоролар баланд овоз билан Таврот ва Инжилни тиловат қилишар эди. Мусулмонлар уларни пасайтирмоқчи бўлар, улар эса асло пастлашмас эди.

Иш ҳокимга етиб борди. Ҳоким уларнинг роҳиб ва раввинларига:

«Сизлар нега бундай қиласизлар? Ахир бу мусулмон олимнинг жанозаси-ку!?» деди.

«Биз унинг ила ўтган анбиёларнинг ҳақиқатини билдик. Ундан комил авлиёларнинг сийратини кўрдик!» дейишди.

Эрта тонгда чиққан жаноза қабристонга кечқурун зўрға етиб борди. Дафн маросими кечаси бўлди.

СИФАТЛАРИ

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи риёзат ва мужоҳадада шиддатли ҳамда ибодатда қувватли зот эди. У киши билан узоқ йиллар ҳамсухбат бўлган Саба Салор:

«Мен уни уйқу кийимида кўрмаганман. Унинг кўрпа ва болишини ҳам кўрмаганман. Уйқу ғолиб келса, ўтириб ухлар эди», деган.

Намоз вақти бўлиб Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи қиблага қараб юзланганда ранги ўзгариб кетар, намозга ғарқ бўлар эди. Бу ҳақда Саба Салор айтади:

«Кўп марта хуфтон пайтида намоз бошлаб бир ракат ила кечани ўтказганини кўрганман».

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг намози Роббисининг муҳаббатига ғарқ бўлган банданинг намози эди. У ўзини унутиб, Роббиси ила машғул бўлар эди. У маконни ҳам, замонни ҳам, рукуъни ҳам, саждани ҳам сезмас эди. У кўзидан ёш тўқар, гоҳида муҳаббатдан эриб кетса, гоҳида ёниб кетар эди.

Бир куни намозда туриб йиғлади. Кўз ёши селдек қуйилди. Юзни, соқолни ҳўл қилди. Қиш пайти эди. Қўниянинг қиши совуқ бўлади. Бас, кўз ёшлари юзда ва соқолда музлаб қолди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи қаноатли зоҳид эди. Ўзи ўта муҳтож бўлишига қарамай, подшоҳ, бой ва амирлардан келган хадяларни тақсимлаб берарди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ўта сахий зот эди. Олдига тиланчи келганда ҳеч нарсаси йўқ бўлса, кўйлаги ёки чопонини ечиб берар эди. Шунинг учун ҳам доимо ечилиши осон кўйлак кийиб юрар эди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ўта сабрли ва чидамли зот эди.

Бир куни йўлда кўндаланг бўлиб ухлаб ётган итга дуч келди. Унинг уйғонишини интизор бўлиб кутди. Беговта қилгиси келмади. Шу пайт бир таниш киши келиб итни турғазди ва у кишига йўл очди. Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳига бу иш ёқмади ва «уни беговта қилдинг», деди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи бир куни сўкишаётган икки киши олдидан ўтиб қолди. Улардан бири иккинчисига:

«Агар мени бир марта сўксанг, сени ўн марта сўкаман», дер эди. Шунда Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи:

«Иккингиз мени сўкинглар. Агар сиз минг марта сўксангиз ҳам, мен бир марта сўкмайман», деди.

Икковлари у зотнинг оёқларига йиқилдилар ва ўзаро ярашдилар.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ҳалол касбни хуш кўрар ва ишсизлик ҳамда меҳнатсиз келган ризқни ёқтирмас эди. У кишининг вақфдан ўн беш динар маоши бор эди. Мазкур маошни оқлаш учун ва ҳалоллаб олиш учун фатво ёзар эди. Шогирдларига фатво келиши билан дарҳол етказишни тайинлаган эди.

ИЛМИЙ МУҲИТ

Ҳар бир одамнинг кимлигини ва ҳақиқатини тўлароқ тушуниш учун у яшаган замон, макон ва ўша пайтдаги фикрий, си-

ёсий, ижтимоий, илмий ва бошқа муҳитларни ўрганишга тўғри келади. Зотан юқорида зикр қилинган омиллар ҳар бир инсоннинг шаклланиши ва ҳаётидаги фаолиятига катта таъсир қилиши турган гап.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг таржимаи ҳолини ўргана эканмиз, у кишининг шахсиятига таъсир қилиши мумкин бўлган кўпгина омилларни мулоҳаза қиламиз.

Бу омилларнинг бошида у кишининг отаси Баҳоуддин Валад ўз юртининг кўзга кўринган олимларидан ва асрининг таниқли машойихларидан бири бўлишидир. Уни Уламолар султони деб ҳам аталиши ва насаби Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга етиб боришидир.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг отаси Баҳоуддин Валад ўз замонасидаги аҳли илмларни Қуръон ва Суннатни қўйиб, ақлий илмларга берилиб кетганлари учун қаттиқ танқид қилиши ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Дарҳақиқат, еттинчи ҳижрий асрда мусулмон оламидаги барча илмий доиралар ва фикрий ҳаракатлар ақлий далиллар ва қиёслар келтиришга ҳаддан ташқари берилиб кетган эдилар.

Барча муаллифлар, илмий доиралар, мутакаллимлар ва воизлар диний ақийдаларни, ғайбий ҳақиқатларни исбот қилиш учун албатта ақлий далиллар ва фалсафий му-

қаддималар келтириши оддий заруратга айланиб қолган эди.

Шу боис ўша вақтларда илми калом ва фалсафа ҳамма илмлардан устун турадиган ҳолат пайдо бўлган эди. Бу икки нарсасиз иш битмас эди.

Ана шу омиллар асосида кўпроқ ақлий далиллар асосида баҳс юритадиган турли фирқалар юзага келди. Буларнинг ичида энг катта нуфузга эга бўлганларидан бири мўътазилийлар эди. Улар Ислом оламида катта шов-шувлар ва ақлий курашлар келиб чиқишига сабаб бўлдилар.

Илми калом пайдо бўлган вақтга келиб ақийдага оид масалаларга аввалги вақтларга ўхшаб фақат Қуръон ва Суннатдан далил келтириш билан кифояланиш етмай қолган эди. Қарши тараф ақлий далил ҳам келтиришни талаб қилар эди.

Калом масалалари бўйича баҳслар мусулмон оламидаги ўша вақтнинг кўзга кўринган ақидавий маъҳаблари: аҳли сунна ва жамоа, мўътазилийлар, муржибийлар, хаворижлар ва шийъалар ўртасида бўлган.

Вақт ўтиб турли халқ ва тоифаларнинг Исломга киришлари билан бирга уларнинг ақийда ва фикрлари ҳам кирди.

Шу билан бирга номусулмонлар томонидан Ислом ақийдаларига қарши фикрий ҳужум ва танқидлар ҳам авж ола бошлади.

Ана ўша ҳамлалардан Ислом ақийдасини ҳимоя қилиш ва раддиялар қилиш учун

илми калом соҳиблари ғайримусулмонлар билан тортишувларни бошлашди.

Бу ишда аҳли сунна ва жамоа уламолари ҳам, мўътазилалар ҳам ва бошқалар ҳам иштирок этдилар.

Аввал бу тортишувлар тўғри йўналишда ва бир маромда кетди. Кейинчалик эса бошқа илм ва соҳаларда бўладигани каби турли бурилишлар ва хатолар юзага кела бошлади. Илми калом бобига бўлган-бўлмаган турли-туман масалалар аралашиб кетди.

Шунингдек, мутакаллимлар орасига ҳам ҳар хил шахслар аралашиб кетди. Натижада ҳақиқий илми каломни сохтасидан, ҳақни ботилдан ажратиб олиш қийин бўлиб қолди.

Мазкур фикрий курашлар сўнгида Аҳли Сунна, фалсафа ва мўътазэилийлар қолди ва бу курашда Аҳли Сунна ғолиб келди. Фалсафа ва мўътазэилийлик ҳаётда ва жамиятда ўз нуфузини анча йўқотган бўлса ҳам, уларнинг руҳи ва ақлни ишлатиш услублари илми каломнинг ичида қолди. Худди мана шу руҳ ва услуб илми каломнинг руҳи ва услубига айланди.

Кейинроқ мутакаллимларнинг ўзлари ақлни улуғлашда, унинг чегарасини кенгайтиришда ҳаддан ошиб кетдилар. Ҳатто Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зоти ва сифоти ҳақидаги баҳсларда ҳам ақлни ишлатишга ўтдилар.

Улар диний масалаларни ва нарсаларнинг ҳақиқатини исбот қилиш учун фай-

ласуф ва мўътазилийларга ўхшаб, аммо бошқача таъбир ва истилоҳлар ила ақлий-фалсафий далиллар ва мантикий қиёслар келтирадиган бўлишди.

Натижада, Ислом оламида фалсафий бўшлиқ туғён қилди. Ақлга суяниш авж олиб, рухий ва виждоний тараф таназзулга юз тутди.

Илми калом вакиллари ўзларининг кучли ақлий далил келтиришлари ва мунозаралардаги усталиклари билан ўзларига қаршиларни мот қилишни қойиллатар эдилар. Аммо қалбларда иймон ва сокинлик, шубҳали нарсаларда кучли ишонч пайдо қилишдан ожиз эдилар.

Уларнинг ўз баҳсларида тутган йўллари ва далил келтириш услублари қалбларда ва ақлларда турли тугунлар пайдо қилган бўлиб, илми калом уларни ечишдан ожиз эди.

Ўша вақтда кенг тарқалган илмлардан бири бўлмиш фалсафа эса бешта ҳис қилиш воситаларидан бошқа тарафдан келган маълумотларни қабул қилишдан бош тортар эди. Мазкур ҳис қилиш аъзоларидан бошқа йўл билан пайдо бўлган ҳар бир нарса шак ва шубҳа остида қолар эди.

Шу тариқа, ақлий илмлар таъсири остида мусулмон умматининг куч манбаъи бўлмиш руҳонийлик, виждон, муҳаббат ва амал каби нарсалар заифлашган эди.

Фалсафий баҳслар ва даҳанаки жанглар Ислом оламини деди-дедиси, талашиб-

тортиши ва мунозара қамда мужодаласи кўпайган мадрасага айлантириб қўйган эди.

Ўша пайтларда Ислом оламида ҳаётга муҳаббат, кучли иймон, қувватли отифа ва хотиржамлик ҳамда қалб сокинлиги каби нарсалар эаифлашиб қолган эди.

Ислом олами мазкур хатоларни тўғри-лаш қобилиятига эга кучли шахсиятга муҳ-тож эди. Бу шахсият одамларнинг бошини айлантириб, ўзи адаштириб турган фалса-фа ва унга ўхшаш ақлгагина суянадиган илмларни ипидан-игнасигача таҳлил қилиб, хатоларини англаб етган бўлиши керак эди.

Ислом олами ўзининг қалб ҳарорати, виждон қуввати ила жамиятда янги руҳ ба-ғишлай оладиган шахсиятга ҳожатманд эди. Бу шахсият фалсафа ва унга ўхшаш ақл-гагина суянадиган илмларнинг хатоларини тўғрилаб, улар қалблар ва фикрларда пайдо қилган тугунларни усталик билан ечади-ган ва қалбларга сакийна ҳамда иймон қув-вати кирита оладиган бўлиши керак эди.

Ана ўша шахсият Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг сиймола-рида пайдо бўлди.

ЯНГИЧА ИЛМИ КАЛОМ

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматул-лоҳи алайҳининг замониға келиб илми ка-ломда турғунлик юзаға келган эди. Илми ка-лом уламолари ўтиб кетган катта имомлар-

нинг гапларини маҳкам тутиб туришдан бошқа ишни қилмас эдилар. Қадимги гаплардан қилча четланиш йўл қўйиб бўлмайдиган нарса, деган тушунчани қадрлар эдилар. Замон ўтиши билан эскириб қолган сўз ва жумлалар ўрнига кишиларга тушунарлироғини келтиришга журъат қилмас эдилар.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ўзининг «Маснавий маънавий» номи билан шуҳрат қозонган шеърӣ девони ила калом илмида катта инқилобни юзага келтирди.

Ўша вақтнинг тақозоси ва ўзидаги истеъдод имконига қараб Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи керакли маълумотларни тақдим этишга назм услубини ихтиёр қилди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи яшаган замон ва маконда илмӣ доираларда форс тилидаги шеър ила ижод қилиш урф бўлган эди. Ўша вақтнинг таомилига кўра айни шу услуб муносиб саналар эди. Бошқа услублардан кўра буниси устун турар эди. Одамларда ҳам айни шеърӣ асарларга қизиқиш ва уларни қадрини юқори билиш истеъдоди шаклланган эди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳидан олдин ўтган кўзга кўринган намоёндалар ҳам худди шу услубни танлаган эдилар. Уларнинг Ислом оламида ном қозонган асарлари айнан форс тилида шеърӣ услуб ила битилган эди.

Улардан бири машхур сўфий шоир, Баҳромшоҳ Ғазнавийнинг ҳамасри, 525 хижрий санада вафот этган Абулмажд ибн Одам Санойининг «Ҳадийқа» номли китоби эди.

Иккинчиси Хоразмшоҳнинг ҳамасри, 513 хижрий санада туғилиб, 627 хижрий санада вафот этган машхур сўфий шоир Фаридуддин Атторнинг «Мантикут тайр» асари эди.

Бу икки китобнинг жамиятдаги таъсири ҳар қандай куруқ фалсафий ва дақиқ илмий китобдан кўра кучли эди. Одамлар мазкур икки китобни рағбат билан ўқишар эди. «Ҳадийқа» ва «Мантикут тайр» Ислом оламида кенг тарқалган ва мақбул бўлган китоблардан эди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг ҳаёти ва ижодини таҳлил қилиб ўрганган олимларнинг таъкидлашларича, у кишининг ҳамсуҳбатлари Ҳисомуддин Шалабий мазкур икки китоб «Маснавий»ни таълиф қилинишига сабаб, қўлланма ва ўрнак бўлган.

Албатта, ҳаммалари ҳам аввало тасаввуфнинг кўзга кўринган арбоблари бўлганлар ва барча фаолиятлари, жумладан, ёзган асарлари ҳам ўша илм асосида ҳамда услубида бўлган. Мазкур асарларда ўз вақтининг истилоҳлари, ишоралари, тушунчалари ва маънолари ишлатилган.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг асрида одамларнинг онги, ақли ва заковатини ишғол қилиб турган

нарсалардан бири калом илми бўлганини аввал ҳам айтиб ўтган эдик. Бу илмда асосан, ақийдага тегишли масалалар: илоҳиятга оид баҳслар, ғайбиётга боғлиқ ҳақиқатлар, Аллоҳ таолонинг зоти ва сифоти, пайғамбарлик ва унинг аҳкомлари, ғойиб нарсалар ва ваҳий, жаннат ва дўзах, қайта тирилиш ва қиёмат каби масалалар бўйича сўз юритилар эди.

Ўша вақтларда одамларнинг уйларида ҳам, илмий марказларда ҳам, кўча-кўйда, масжид-мадрасада ва турли йиғилишларда ҳам мазкур мавзулардан бошқа тарафга сўзни буриш қийин эди.

Бу борадаги баҳслар ва тортишувлар Қуръон ва Суннат асосида эмас, ақлий ва хиссий маърифатлар асосида йўлга қўйилгани оқибатида нотўғри йўналишга тушиб қолган ва одамларда ақийда бобида турли шак ва шубҳалар тарқалиб бўлган эди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи Аҳли сунна ва жамоанинг ашъарийлар мазҳаби муҳитида ўсиб-улғайган ва яшаган эди. Ўша пайтдаги калом илмини яхши ўзлаштирган ва жадалу тортишувларда иштирок этадиган олим бўлиб шаклланган эди. Аммо бу илм қуруқ руҳсиз танадан иборат бўлиб, деди-дедидан нарига ўтмайдиган, тил ва ақл доираси ила чегараланган эди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг Шамсиддин Табризийга йўлиқиши ва ундан ички дунёни мунаввар

қилувчи қалб илмларини ўрганиши у кишининг ҳаётида катта ўзгаришлар вужудга келишига сабаб бўлди. Энди у киши қийлу қолдан илми ҳолга, қуруқ хабардан чуқур назарга ўтди. Қуруқ танадан иборат бўлган илмига жон ва руҳ кирди.

Шу сабабдан Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи худди имом Ғаззолийга ўхшаб ўша вақтдаги фалсафани ҳам, калом илмини ҳам танқид қилишга ўтди. Айниқса, уларнинг диний ақийдаларнинг фақат ҳис қилиш аъзолари ва ақлнинг ёлғиз ўзи билан исбот қилишга беҳуда уринишларини қоралай бошлади.

ҲИССИЯ ТАНҚИДИ

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи яшаган замон ва маконда диний ҳақиқатларни тушуниб етишда ҳис қилиш аъзолари орқали ҳосил бўладиган илмга суяниш ғоятда авж олган эди. Улар беш ҳис қилиш йўли - кўриш, эшитиш, ушлаш, ҳиддаш ва таъм билиш - орқали ҳосил бўлган илмнигина ҳақиқий илм дея эътироф қилар, бошқаларини инкор қилар эдилар.

Бу хилдаги услубни ишлатувчиларни «ҳиссия» яъни, ҳис қилиш аъзолари орқали илм олувчилар деб аталар эди. Уларнинг биринчи сафларида файласуфлар, мўътаэилийлар ва калом илми соҳиблари турар эди.

Турли омилларга кўра «ҳиссия» кўпчиликни ўзига ром қилган эди. Айниқса, ўша

пайтнинг «зиёли»лари ҳис қилиш доирасидан ташқаридаги ҳар бир нарсани дарҳол инкор қилишга одатланиб қолишганди. Уларнинг бу борадаги етказиси мўътазилийлар эди.

Ушбу омил кишиларда ғайбга бўлган иймонни заифлаштирган ва бунинг оқибатида динлар келтирган ғайбий ҳақиқатларга бўлган ишонч ҳам сусайган эди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ўзининг «Маснавий»ида худди шу ҳолатни танқид қилиб:

«Албатта, ҳиссиянинг етакчиси мўътазилийлардир. Улар анинг содиқ қулларидир. Бу ҳам етмаганидек, ўзларини аҳли суннаданмиз деб даъво қиладилар. Қолбуки, аҳли сунналар ҳис қилиш доираси билан чегараланиб қолмайдилар», дейди.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи бир нарсани кўз билан кўрмаслик ёки ҳис қилиш аъёолари ила идрок қилмаслик уни йўқ дейишга кифоя қилмаслигини таъкидлайди.

У киши бу борада қуйидагиларни айтади:

«Инкор қилувчи доимо, мен фақатгина зоҳир нарсани кўраман, дейди. Ҳолбуки, зоҳир нарса доимо яширин ҳикматнинг хабарини беради. Фойдали дориларга назар солмайсанми? Уларда таъсир ва фойда яширинган бўлади-ку!» («Маснавий», 368-бет).

«Зоҳирий ҳис қилиш аъёоларига эъти-мод қилиш ила кифояланиб, улардан бошқани инкор этганлар ботиний ҳисларини

зое қилганлар ва Аллоҳ уларга ато этган куч ҳамда қобилиятларни йўқотганлардир.

Улар кўэлариға парда тўсилиб кўр бўлганлардир. Улар фақат ҳасса еки етакловчи билангина юрадилар. Кўплаб ҳақиқат ва нозик нарсалар улардан беркитилгандир» («Маснавий», 232-бет).

АҚЛНИНГ ВАЗИФА ВА ЧЕГАРАСИ

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи зоҳирӣ ҳис қилиш воситаларига суяниш, уларнинг ғайбӣ ҳақиқатларга етишда камлик қилишини танқид этиш билан чегараланиб қолмай, ақлни ҳам уларга шерик қилади. У киши ақл ҳам ғайб олами ҳақиқатлари ва пайғамбарларнинг илмини англашдан ожиз эканини таъкидлайди.

Чунки ақл учун бу маълумотларни таққослайдиган асос ва қоида йўқдир. Шунингдек, ақл ғайб олами деб аталмиш кенг олам, табиатдан ташқари оламини кўрган ёки билган эмас.

Бу борада у худди туғилганидан буён шўр денгизда яшаган одамга ўхшайди. Унинг чучук сув ҳақида ҳеч қандай тушунчаси йўқ. У киши бу ҳақда:

«Эй шўр денгизда яшайдиган одам! Сен қирғоқ ва Жайхуну Фурот ҳақида нимани билардинг?!»> дейди («Маснавий», 961-бет).

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ҳис қилинадиган нарсалар ва мантикий муқаддималар билан боғланган ақлни:

«Чегараланган жузъий ақл. У самараси хаёл ва шаклардан иборат бўлган ақлдир. У ватани зулматлар олами бўлган ақлдир. У оқилга ор бўладиган ақлдир. У оқилга уйку бўладиган ақлдир. Бу ақлдан кўра жаҳл афзалдир», дейди.

«Инсон унинг асирлигидан озод бўлиб, одамлар жинни десалар ҳам, отифаси ва қалбини ҳакам қилиб яшаши лозим», дейди («Маснавий», 156-бет).

«Мен ушбу ҳис қилинадиган нарсадан бошқани кўрмайдиган ва зохирдан бошқани билмайдиган ҳамда одамлар «ҳаким ақл ва узоқ назар» деб атайдиган ақлни кўп вақт тажриба қилдим. Ким менинг тажрибамни қилиб кўрса, ушбу ақлга қарши исён кўтаради ва унинг кишанларидан озод бўлиб, чегараларидан чиқишни афзал билади» («Маснавий», 489-бет).

ФАЛСАФИЙ ДАЛИЛ - ЁҒОЧ ОЁҚ

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи эътиқодича диний ҳақиқатлар борасида инсон ихтиро қилган илмлар ва ҳикматлар уни ҳақиқатлардан узоқлаштиради, холос.

Бас, ким саодатга эришмоқчи бўлса, одамлар билмасдан ҳикмат деб атаган фалсафадан узоқда бўлсин. Зотан, ҳар бир фалсафа хаёлдан бошқа нарса эмас. У Аллоҳнинг нури ила мунаввар бўлмагандир. У гумон ва шакдан иборат, холос.

Анбиёлардан қабул қилинадиган ҳикмат эса, кимга у берилса, кўп яхшиликлар берилган бўладиган ҳикматдир.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи:

«Мантиқий далилчиларнинг оёқлари ёғочдандир. Ёғоч оёқ эса, қаттиқ бўлади. Унда юмшоқлик ва эгилувчанлик йўқ» («Маснавий», 55).

ИЙМОНИЙ АҚЛ

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи иймоний ақл борлигига ишонади. Унинг таъкидлашича, иймоний ақл жисмоний ақлнинг етакчисидир. Жисмоний ақл эса жисмнинг етакчисидир. Шу эътибордан иймоний ақлни «ақлнинг ақли» дейиш ҳам мумкин. Ушбу иймоний ақл фақат мўмин бандадагина бўлади.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи мазкур икки ақлнинг сифатлаб ёзади:

«Иймоний ақл ҳаёт карвонининг қўриқчисидир. У худди шаҳар миршабига ўхшайди. Адолат ила ҳукм қилади. Адолат тарозусини ўрнатади. Золимни жиловлаб, мазлумга ёрдам беради. Низомни муҳофаза қилади. Нафснинг саркаш шахватларига қаҳр кўрсатади» («Маснавий», 347-бет).

«Жисмоний ақл бўлса, гуноҳларни зийнатлаб кўрсатади. Олиймаком ишларни пастлатади. У ўз эгасига факрни ваъда қилади ва ишни кўрқинчли қилиб кўрсатади» («Маснавий», 347-бет).

«Иймоний ақл жисмоний ақлнинг тугунларини ечади. Уни мушкул ва муаммолардан қутқаради. Унга маҳкам қулфларни очиб беради. Қийин ва оғир ишларни осонлик ва енгиллик ила қилиб берадир» («Маснавий», 23-бет).

ИЙМОНИЙ ҲИКМАТГА ЧАҚИРИҚ

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи фалсафа ва турғун ҳолатдаги калом илмини қаттиқ ва аччиқ танқид қилибгина қолмай, улар билан машғул кишиларни иймоний ҳикматга ва ундан фойда олишга чин дилдан чақиради. Бу борада у киши жумладан қуйидагиларни айтади:

«Қачонгача юнон фалсафаси ва моддий ҳикматга ёпишилади? Сизлар анбиёлар, уларнинг меросхўрлари, раббоний уламолар каломидаги иймоний ҳикматни лозим тутинглар, ўрганинглар ва унинг ҳақида тафаккур қилинглар» («Маснавий», 86-бет).

«Албатта, ҳақиқий маърифат фақатгина нафси поклаш орқали ҳосил бўлади. Қачон калб ойнаси расмий илмларнинг нақшларидан ажраса ва мусаффо бўлса, унда иймоний ҳикмат тажаллий қилади ва унга анбиёларнинг ҳақиқий илмлари кириб, тилидан ҳикмат булоқлари оқади» («Маснавий», 86).

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳининг фалсафа ва калом илмини танқид қилишлари ва ғайбий ҳақиқатлар ҳақидаги маълумотни фақат пайғамбарларга келган ваҳийдан олиш кераклиги ҳақидаги

таъкиддари айни исломий қониданинг ўзи эканини таъкидлаб ўғишимиэ лозим.

Худди шу танқид ва чакириқ имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳда ҳам бўлганлиги диққатга сазовордир.

Ақийда масаласида келган исломий таълимотларнинг илмийлиги оддий равишда бўлмай, бу борада фақатгина ўта ишончли содиқ хабарларгина хужжат ва далил бўла олиши шарт қилиб қўйилганини тушуниб етиш муҳимдир.

Шунинг учун динимизда ғайбий нарсалар — метафизикага хужжат сифатида мутавотир — ўта ишончли хабарларга асосланган ҳолда ёндошилади. Мазкур ғайбий нарсаларга эътиқод қилишда асосан Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифларда келган хабарларга эътимод қилинади.

Имом Ғаззолий фалсафанинг энг катта ҳатоларидан бири ғайб олами — метафизика ҳақидаги тортишувлар эканини очиқ - ойдин айтдилар. Бу фикрнинг тўғрилигини исботлаш учун файласуфларнинг метафизикага оид тортишувларидан бир нечасини олдилар.

Мисол учун оламнинг азалийлиги ёки кейин пайдо бўлгани ҳақидаги масала. Унинг хатосини Имом Ғаззолий «Такофуъул адиллати ала қидамил олами ва ҳудуסיҳи» — «Оламнинг қадимлиги ёки кейин пайдо бўлгани ҳақидаги далилларнинг тенглиги» номли баҳсларида ёрқин ақлий таҳлил ва инкор қилиб бўлмайдиган далилу хужжатлар ила исботлаб бердилар.

Қадимдан файласуфлар бу масалада иккига бўлиниб олиб тортишиб келганлар. Баъзилари олам азалий — қадимий деса, бошқалари олам ҳодис — кейин пайдо бўлган, деган.

Икки тараф ҳам ўзининг гапи тўғрилигига ақлий далил олиб келади. Иккисининг далили ҳам ўзига тўғри кўринади. Иккиси ҳам қарши тарафга бир хил муваффақият билан раддия қилади. Қадимдан шундай бўлиб келган эди. Бунга Имом Ғаззолий юнон файласуфларидан олдингиларнинг, юнонларнинг ва улардан кейин келган файласуфларнинг далилларини бирма-бир келтириб баён қилдилар.

Бу тортишув бундан кейин қиёматгача ҳам давом этаверади, дейдилар Имом Ғаззолий. Аммо ундан одамларга заррача фойда бўлмайди.

Имом Ғаззолийнинг фикрларича, файласуфларнинг маэкур тортишувлари охирига етиши мумкин ҳам эмас. Чунки улар ўзларидан мутлақ ғайбдаги нарса ҳақида тортишмоқдалар. Ўзлари ичида турган оламнинг асли ҳақида тортишувни уларга ким қўйибди? Бирор нарса ҳақида баҳо бериш учун унинг ташқарисида бўлиш керак. Оламнинг ичида турган одам унинг азалий ёки янги пайдо бўлганини қаердан билсин?!

Унинг ўрнига инсон қўл остида турган нарсаларни ўрганишга ҳаракат қилиши керак, дейдилар Имом Ғаззолий. Мисол учун нима учун темирни оловга тутса куймайдию, пахтани тутса куюди? Мана шу масалани ўйлаб кўриш керак. Пахта ўзида куйиш қобилия-

ти борлиги учун куймоқдами ёки оловдаги куйдириш қобилияти ила куймоқдами?

Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳнинг бу фикрлари мусулмонларда тажрибавий илмларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Имом Ғаззолий тажрибавий илмларнинг келиб чиқишига туртки бўлган фикр соҳиби сифатида дунё илмий тарихида муносиб жой олган улкан ақл соҳиби бўлган мусулмон шахс сифатида машҳур бўлдилар. Ўрта асрларда мазкур назарияга амал қилароқ Ислом оламида табиий илмлар кенг ривож топди. Улардан аста-секин овруполикларга ўтди ва улар бу илмларни яна ҳам ривожлантириб, катта муваффақиятларга эришдилар.

Имом Ғаззолий ва бошқа мусулмонлар инсонга ўзидаги ақл ва заковатни имкони даражасида, ўзига фойда берадиган тарзда ишлатишни таклиф қиладилар.

Инсоннинг ақл доирасидан ташқарида, минг тортишса ҳам фойда бермайдиган ғайбий олам - метафизикага оид маълумотларни эса тайёр ишончли манбадан, яъни, Аллоҳ таолонинг Ўзи динлар орқали берган хабарлардан олишни таклиф қиладилар. Диний ақийдаларга оид маълумотлар айнан ғайбиёт олами — метафизикага оиддир.

Кўриниб турибдики, ушбу масалада Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ва имом Ғаззолийлар ўзларига хос ибораларни ишлатган бўлсалар ҳам мақсадлари бир. Чунки уларнинг иккиси ҳам

Аҳли сунна ва жамоа ақийдавий мазҳабининг намоёндасидир.

МАСНАВИЙ ВА КАЛОМ ИЛМИ

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи фалсафа ва турғун ҳолдаги калом илмини танқид қилиш, қалб поклиги орқали анбиёлар келтирган илмларни қабул қилишга чақириш билан кифояланиб қолмаган. У киши "Маснавий"да бу икки илмга оид масалаларни гўзал услуб ила баҳс ҳам қилган. Баҳс қилганда ҳам, осон ва мақбул услуб ила, турли тугун ва муаммоларсиё содда ҳамда оддий йўл билан баён этган.

Бу ва бошқа баъзи эътиборлардан келиб чиқиб, мусулмон уламолардан хабардор бўлганлари «Маснавий»ни барча асрларда янги иймон манбаъси бўлиб келган, дейдилар.

Уларнинг фикрича, "Маънавий"ни ўқиш ила сиқилган юраклар ёзилади, изтиробга тушган ақллар хотиржамлик топади. Кўпчилик ўқувчилар ўз муаммоларига ечим, дардаларига даво топишади.

Шунинг учун ҳам Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи янги илм асосчиси ҳисобланади. У киши калом илмининг имомларидан биридир. У киши Қуръони Каримдан бошқага эргашмайди.

АЛЛОҲНИНГ БОРЛИГИГА ДАЛИЛЛАР

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг

борлигига фалсафий ва каломий услублар ила далил келтирмай, бу ишда Қуръони Каримнинг услубига эргашади. Кишиларни махлуқларни кўриб Холиқни, ҳаракатланувчини кўриб ҳаракатлантирувчини тан олишга чақиради. Бунга оддий мисоллар келтириб, одамнинг қалбини ларзага солади.

«Сен ёзаётган қаламни кўрасан. Аммо уни ҳаракатга келтираётган қўл эса махфийдир. Чопиб кетаётган тулпорни кўрасан, чавондозни кўрмайсан. Уқ мўлжалга тегаети. Аммо камон кўзга кўринмайди. Жонлар мавжуд. Уларнинг яратувчиси ва вужуди ҳамда ҳаёти манбаи эса кўзларга кўринмайди.

Аммо ҳаракат ҳаракатлантирувчига далил эмасми?! Агар ҳавонинг овозини ёки сувнинг шилдираганини эшитсанг, улар ила ҳаво ва сувнинг борлигига далил келтирмайсанми? Агар шамол эганини, баргларнинг хилпирашини ва шохларнинг тебранишини кўрсанг, аниқ билки, ҳавони ҳаракатлантираётган зот бор. Албатта, ҳар бир ҳаракатланувчи ила ҳаракатлантирувчи ҳам бор.

Агар таъсир қилувчини кўришдан ожиз бўлсанг ҳам, унинг таъсирини кўришдан ожиз бўлмайсан. Бас, бундан таъсир қилувчи борлигига далил топгин.

Агар ҳаракатланиб ва яшаб турган жисмни кўрсанг, унинг жонини кўрмасанг ҳам унинг борлигига, жисмнинг ҳаракати ва ҳаёти манбаи эканига далил қиласан» («Маснавий», 305-бет).

Шу билан бирга, Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи борлиқнинг борлигидан ташқари ундаги ажойиб низомга, ҳар бир нарса ўлчов билан яратилганига, ҳар бир нарсанинг ўз чегараси борлигига, ҳар нарса ўзига жорий қилинган низомга бўйсунishiга эътиборни қаратади.

«Агар Аллоҳнинг ишини ва самовий тадбирни икки кўзинг билан кўришга сазовор бўлмасанг, борлиқнинг низомига назар сол. Қуёш ва ой ёруғлик таратиб, беминнат хизмат қилиб, итоат қилиб, осий бўлмасдан ва тўхтамасдан айланиб, турган икки нарсадир.

Юлдузларнинг ҳам ўзларига хос доиралари ва чизилган чегаралари бор» («Маснавий», 513-бет).

«На қуёшнинг ойга етиб олмоғи дуруст бўлар ва на кеча кундуздан ўзиб кетар. Ҳар бири фалакда сузиб юрар» (Ясин, 40).

Ушбуларнинг барчаси уларни йўқдан бор қилган ва интизомга солган зотнинг Биру Борлигига ёрқин далилдир.

ЖАБР ВА ИХТИЁР

Ақийда бобида жабр ва ихтиёр масаласи энг қийин масалалардан бири ҳисобланиши маълум ва машҳур. Баъзи кишилар, ҳамма нарса Аллоҳ таолодан, инсон ўзича бир нарса қила олмайди, у бу дунёда худди денгизга отилган чўпга ўхшайди. Уни тўлқин қайси тарафга олиб кетса, кетаверади, дейдилар. Уларнинг фикрича, инсон ҳар бир ишни мажбур бўлган ҳолда қилади.

Шунинг учун ҳам бу фикрга эргашганлар жабрия мазҳабидагилар деб аталади. Улар Аллоҳ таолога жабр нисбатини берадилар.

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи жабрия мазҳабидагиларга содда ва қониқарли раддия беради:

«Агар жабр бор бўлса, инсонга амр ва наҳий қилиш бўлмасди. Инсон шариатга ва унинг аҳкомларга таклиф қилинмас эди. Қеч бир инсоннинг тошга амр ёки наҳий қилганини эшитганмисан?» («Маснавий», 461-бет).

«Қуръоннинг барчаси амр, наҳий ва огоҳлантиришдан иборатдир. Биз бирор оқилнинг мрамарга амр ёки темирга наҳий қилаётганини эшитмаганмиэ» («Маснавий», 472-бет).

«Инсон ихтиёр ақийдасига мойил яратилгандир. У бу ақийдани кундалик ҳаётида татбиқ қилади. Ўзининг амали ва тутиши ила ихтиёрни тасдиқлайди ва жабрни инкор қилади. У жонсиз нарсани жазоламайди. Тошга, ёғочга, селга, оловга ва шамолга ўзига бу нарсалардан ҳар қанча озор ҳамда қийинчиликлар етса ҳам, ғазаб қилмайди.

Агар бошингга шифтдан хода тушиб, сенга қаттиқ жароҳат етказса ва қонингни оқизса, ўша ходадан аччиғинг чиқадими? Унга хитоб қилиб, нимага қўлимни синдирдинг ёки бошимни қонатдинг, дейсанми?

Шунингдек, сел ёки тошқин келиб асбоб - анжомларинг ва керакли нарсаларингни оқиэиб кетса ёхуд шамол туриб саллангни учуриб кетса, сел ёки шамолга ғазаб қилиб уларни сўкиб, уришасанми?

Аммо бир инсон сени ҳақорат қилса ёки обрўйингни тўкса, унга қарши турасан ва қаттиқ жазолашга ўтасан.

Мана шунинг ўзи сенинг мажбур ва ихтиёрни фарқлашинг далолатидир. Сен инсон ихтиёр ва ирода соҳиби деб эътиқод қиласан. Шунинг учун уни ҳисоб - китоб қиласан, қойийсан, жазолайсан, ундан шикоят қиласан, уни маломат қиласан ва узрини қабул қилмайсан. Чунки у ихтиёр эгасидир, мажбур эмасдир» («Маснавий», 463-бет).

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи жабр ва ихтиёр тушунчасида юқорида айтилган фикрлар билан кифояланиб қолмай, бу ҳақиқатни тилсиз ҳайвон ҳам билишини, мажбур билан ихтиёрни фарқлашини таъкидлайди.

«Агар итни тош билан урсанг, сенга хужум қилиб тишламоқчи бўлади. Тошга ташланиб, ундан ўч олишга уринмайди. Шунингдек, туякаш туяни урса, туя ҳаяжонга тушади. У ўзига теккан қамчига эмас, уни урган туякашга ҳамла қилади.

Бас, шундай экан, эй оқил инсон! Жабрни инсонга нисбат беришинг ор эмасми? Бу ҳақиқатни фаҳмлаш ва идрок қилишда ақлсиз ҳайвон сендан устун бўлиши айб эмасми?» («Маснавий», 463-бет).

«Албатта, инсон бу ҳақиқатдан жоҳил эмас. Аммо у ўз фойдаси, ҳавойи нафси ва шаҳвати учун ўзини билмаганга солади. Бу худди субҳи содиқ чикқанини билиб туриб юзини нурдан ўгириб, эшикни ёпиб

олиб, еб-ичишда бардавом бўлган «рўздор»га ўхшайди» («Маснавий» 427-бет).

ТАРКИ ДУНЁЧИЛИК ВА ТАНБАЛЛИК ЙЎҚ

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ғулувга кетган - ҳаддидан ошган сўфийлар ва айгурийларга ўхшаб бу дунёда сабабият қонуни борлигини инкор қилмайди. Балки сабабият қонуни борлигига ишонишни, танбаллик, таркидунёчилик мумкин эмаслигини тарғиб қилади.

«Жорий суннат ва ғолиб одат шулким, сабабдан мусаббаб пайдо бўлади. Толиб ҳаракат ва жидди жаҳднинг аҳамиятини билсин ва уйларга ўз эшигидан кирсин ҳамда нарсаларни ўз жойидан изласин» («Маснавий», 42-бет).

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи ишсизлик, дангасалик, таркидунёчилик ва охири асрларда ожизлар ўзига баҳона қилиб олган салбин таваккулга қарши ўт очган. У киши ҳаракат ва жидди жаҳд қилишга, ҳаётдаги сабабларга эргашишга ва ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишга қаттиқ чақирган.

«Агар Исломда ижтимоий ҳаёт матлуб ва афзал бўлмаганда, жума, жамоат намозларига ва амри маъруф ва наҳйи мункарга буюрилмаган бўларди» («Маснавий», 305-бет).

Мавлоно Жалолиддин Румий раҳматуллоҳи алайҳи танбалликни танқид ва ҳаракатни тарғиб қилишда ҳайвонлар орасидаги тортишувларни усталик билан васф қила-

ди. Яъни, «Маснавий»да ақийдага оид масалаларни осон йўл билан тушунтириш учун зарбулмасал йўлидан ҳам фойдаланилган. Ҳайвонлар ичида ҳаракат, куч - қувват рамзи бўлган арслон жаҳду жадални таваккул ва таслимдан устун қўяди. Бошқа ҳайвонлар аксинча тушунчада бўладилар.

ОВ ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ТАНГРИГА ТАВАККУЛ ЭТИБ, САБЪ-ҲАРАКАТ (ЖАҲДУ ЖАДАЛ) НИ ТУХТАТДИК ДЕГАНЛАРИ

*Неча ҳайвонлар бўлиб водийда жам,
Барча титрар эрди шернинг ваҳмидан.*

*Чун улар шер ҳамласига дуч эди,
Шул сабабдан бул макон нохуш эди.*

*Ҳийла айлаб, келдилар шерга қатор,
Биз сени боқмоққа қилдик деб қарор.*

*Биэни сайд этмоқни қилгил бас, аё,
Бўлмасин талх бизга бу ўту гиёҳ.*

АРСЛОННИНГ ҲАЙВОНЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШ ЖАҲДУ ЖАДАЛНИНГ ФОЙДАСИ ҲАҚИДА СЎЙЛАГАНИ

*Деди: хўп, кўрсам вафо, кўрмай макр,
Чунки макр этди баче Зайду Бакр.*

*Макр этиб, ўлдирди кўп мардум мени,
Неча бор чақди илон, каждум мени.*

*Мардим нафским, ичимда курди ин,
Ҳаммадан ҳам унда кўндир макру кийн.*

*Тингладим «Ла йулдағул мўмин»ни то,
Бўлдч Пайғамбар сўзи кўнглимга жо.*

ҲАЙВОНЛАРНИНГ ТАВАККУЛПИ ЖАҲДУ ЖАДАЛДАН УСТУН ҚЎЙГАНЛАРИ БАЁНИ

*Дедаларким, эй ҳакими бохабар,
Қўй чекинмоқни ва ундан қил ҳазар.*

*Боқ, чекинмоқ ичра кулфат нақшидир,
Бор, таваккал қил, таваккал яхшидир.*

*Сен қазога панжа урма, эй фалон,
Ул қазо ҳам панжа ургай беомон.*

*Мурда бўл, қаршингда эрса ҳукми Ҳақ,
Токи бир захм этмагай Роббул фалақ.*

АРСЛОННИНГ ЖАҲДУ ЖАДАЛИИ ТАВАККУЛ ВА ТАСЛИМДАН УСТУН ҚЎЙГАНИ БАЁНИ

*Деди шер: балли, таваккул раҳбарим,
Раҳбарим, бас, суннати Пайғамбарим.
Бул-да Пайғамбар сўзидир, бил ани:
Қил таваккул, лек тушовла туяни.*

*Рамзи «Ал косиб Ҳабибуллоҳ»ни бил,
Қил тапаккул, лек танбал бўлмагил.*